







Воқеалар • Хабарлар • Шарҳлар • Яқшанба саҳифаси

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Дўстлик ҳақида озмуноча нақд, ибора-ю мақоллар борми? Дилларда эгуликни тугён урдирувчи бу сўз беҳисоб ривоят, эртаг-у ҳиқолатларга мавзу. Дўстликни қалб кўрида эъозлангани, достон-у ашқорларда улуглангани ҳам бежиз эмас. Войси, дўстлик кўриги бор ерда самиянат, ишонч, ҳамкорлик, барока нафаси уфуради. Шу сўзда оила аҳдига, коллектив бирлиги, республикалик халқлари тотувлиги, бузилмас иттифоқда бирлашган эллар ва миллатларнинг ҳаётбахш мақсадлар муштараклиги, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги халқаро муносабатлар мужассам.

ХАЙРЛИ ҲАМКОРЛИК

Маълумки, яқинда Ҳиндистон мустақиллигининг 42 йиллиги, СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик қилиш учун шартнома тузилганлигининг 18 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ҳиндистонда муҳим бўлди. Делегацияга Бухоро области иқтисодиёт ва маданий алоқалар бўлими раҳбари М. Мухамедова билан Тошкент Давлат университетининг профессори Т. Ғайсов бошчилик қилишди. Меҳмонлар Деҳли, Чадигарх, Лакнау, Канпур шаҳарларида бўлдилар. Сафар чоғида Ўзбекистонда Панжоб, Панжобда эса Ўзбекистон кўнрагини ўтказишга келишди.

ҚУВАЙТДАН КЕЛГАН СОВҒА

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига ўзига хос соғва келди. Тўхфани Қувейт маориф, фан ва маданий бўлими миллий комиссияси йўллаган эди. Соғвалар Қувейт тарихи, маданияти, фан ва иқтисодига бағишланган туркум китоблардан иборат. Бу китоб ҳам иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистон дўстлик жамияти бунга жавобан Ўзбекистон ҳақида альбомлар, турли журналлар, ахборотларга бой китоб ва рисоаларни, шунингдек, «Совет Ўзбекистони» журналини йўллади.

ИНСОНИЙЛИК ВА МЕҲРИБОНЛИК

Шу кунларда Ҳиндистоннинг «Джайнт Интернейшнл» ташкилоти билан ўзаро ёзишмалар олиб боришмоқда. Мақсад мазкур ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилиш. Бу ташкилот халқаро аҳамиятга эришган бўлиб, фаолиятининг асосий мавзу ва мақсади халқлар ўртасида инсонийлик ва меҳрибонлик тарғиб қилиш. Ташкилот бўлимлари жаҳоннинг турли мамлакатларида, Ҳиндистоннинг барча штатларида фаолият кўрсатмоқда. Ҳиндистоннинг бу эътиборни ташкилот Ўзбекистон дўстлик жамиятига ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилиш борасида тақлиф билан мурожаат этди.



СУРАТДА: Зимбабвеллик меҳмонлар Олмалик билан биродарлашми шарафига қўйилган Китев кўчасида.

БОЛГАРИЯ ТАРОНАСИ

Сентябрь ойида Тошкентда биринчи марта Болгария кўшиги ва рақсларидан ташкил топган кўшик бўлиди. В. Мазковски номидagi Болгария — Совет дўстлик комитети асанбалининг чинқиллари уюштирилди. Болгария Социалистик революциясининг 45 йиллик юбилейига бағишланган мазкур тадбирларда иштирок этмиш учун 70 дан зиёд халқ талентлари келди. Қардошларимиз тароналар шунингдек, Тошкент, Андижон областлари, Бухоро, Қарши, Муборак шаҳарларида ҳам таралди.

ХАЛҚЛАР АНЪАНАСИ

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ҳиндистон жамияти хузурида кооператив асосида ишловчи янги бўлиш тузилди. Булига реклама-экспорт маркази — «Анъана» деб ном берилди. Бу ерда жаҳон халқларининг маданий аъёналарини тарғиб қилинади. «Анъана»нинг программаси ҳам ўзгача: халқ озаки ююди, янгича расм-русумлар, одатлар, удулар қатори Ўзбекистоннинг миллий товлари, музика ва рақслари, халқ куйларини эстрада оҳангига солиш каби янгиликлар ҳақида ахборотлар тайёрланади. «Анъана»нинг программаси билан чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон дўстлик жамиятининг Шарқ боғида танишмоқдалар. Бу ерда ҳамкорлик қатори «Еш гардианс» театри, «Баҳор» халқ ансамбли, халқ амалии санъатининг вакиллари ҳам кизмат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, чет эл мамлакатларининг аъёнанага хос программаларини намойиш этиш ҳам кўзда тутилган.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Питер АЛЛЕН, АКШ ва Канада Христиан ёшлар уюшмаси делегациясининг раҳбари. — Биз даярингизда бўлиб, икки буюк гоа тарафдорларни ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ахшиланган бораётганининг гувоҳи бўлидик. Бундай муносабатлар инсониятнинг истиқбол сари етаклайди, деган умиддаман. Бундай ҳамкорлик ва қарашлар тобора эътибор топиши ва улугланishi керак. АҲМАД АБ-РАУФ ВАНИС, Тунис элчиси. — Саховатли ўзбек халқининг меҳмони бўлиш, Тошкент области меҳнатқошлари билан учрашми менга қувонч бағишлади. Мамлакатингизга, хусусан республикада фан ва маданият тараққийти борасида собит қадам ташланганидан кўриниб турибди. Иби Сино ва Беруний аълодлари аъёнана сиз давом этаётгани қувончли албатта. Биродарлашган Тунис шаҳрига ҳар жоҳаддан ёрдам кўрсатилаётганининг мамнуният билан эътироф этаман.

ЮРТИМИЗГА ҚИЗИҚИШ

Чет эл жамоатчилигининг ўзбек халқига хос маданияти билан яқинда танишишга кизикшиш ортиб бормоқда. Қориний мамлакатлардан серкўш йўлга ҳаждади. Латвиялик йўллар ҳақида тақлифнома келиб турибди. Ўзбекистон дўстлик жамияти июнь—август ойлари мобайнида Талланд, Мавритания, Зимбабве, Яман Халқ Демократик Республикаси каби мамлакатларга ўнлаб кўртзама, 150 номдан турли адабётлар, 60 дан ортиқ соғва буюмлари йўллади.

МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Бу йил Бельгия, Люксембург, Ирландия, Афғонистон, Гана, Нигерия, Лаос, Ливан каби мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказиш кўзда тутилган. Бельгиянинг Кортрейн шаҳрида Совет Иттифоқи маданияти кунлари Ўзбекистон тил-солда уюштирилди. Бельгияликлар икки ҳафта мобайнида республикалик ҳаёти билан яқиндан танишиб, замонавий фотокурғазмалар, китоблар, альбомлар, халқ амалии санъати музейи ва болалар чизган рақсларини кўздан кечирдилар. Ўзбек миллий кийимлари намойиш, ўзбекча товларини тайёрлаш сирлари кўпчилигида кизикшиш уюғотилади.

КЕЧАЛАР ВА УЧРАШУВЛАР

Япониянинг Фукусима префектурасидан келган ёшлар Ўзбекистон билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон дўстлик жамиятида уюштирилган учрашувга ёзувчи Рама Фарқодий бошчилик қилди. Меҳмонлардан, группа бошлиғи Тосики Сайто уюштирилган учрашув учун миннатдорчилик изҳор этиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тобора ахшилади. Меҳмонлар пойтахт об-ластининг «Политотдел» коллежидан бўлдилар. Бу ерда ҳам коллеж ҳаваскорлари икки-рисида концерт номерларни кўрсатдилар.

[Ахборотлар чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти материаллари асосида тайёрланди.]



Археологик топилмалар ҚОРАХОНИЙЛАР ДИРҲАМИ

Шўрчидаги Ободон қишлоғидан ҳижрий 420—422 йилларда зарб қилинган икки мингтага яқин мис аралаш кумуш тангалар топилди. Ҳазина топилганини ҳақиқати хабар бир зумда бутун қишлоққа тарқалди. Қўп одам йиғилди. Археологларга хабар қилинди. Улар Давлат архивларида қазни шилари олиб бораётган эдилар. Археолог-олим Баҳодир Тургунов дирҳамларда: «Соғаниёнда зарб қилинган» деган арабча ёзув борлигини аниқлаб, сениди. Нега? Бу савоалга жавоб топиш учун тарихга мурожаат қилайлик. Учинчи асрнинг 90-йиллари Қорахонийлар сулоласи ҳўмронлигига тўғри келди. Бу давлатнинг асосчиси Абдуларим Сотўқ Бугрохон, яъни Қорахондир. Аср охирида унинг нарибаси орун ибн Мусо ибн Сотўқ туркий қабилаларини Моворуннаҳрга қарши ҳўжумга бошлади. Хорун Бухорони, унинг вориси Наср I эса бутун Моворуннаҳрни босиб олди. Шундан кейин бу ер вилоятларга бўлинди. Уларни, жулудан, ҳозирги Сурхон воҳаси ерларини ҳам Қорахонийлар сулоласи — Илчиқонлар идора қила бошладилар. Бу даврда адабёт ва санъатга эътибор кучайди. Шўхи Зинда ансамбли, Работи Маллик, Маскиди Калон, Минораи Калон, Сурхондаридаги Жарқўрғон минораси, Хоразмдаги Бўронқалъа, Нонбағал, Фаҳридин Розий мақбараси каби ўнлаб меъморчилик санъатининг юксак намуналари ўша даврда бўйиб этилган. Бундан ташқари Юсуф Хос Ҳонобининг «Қутадғу билик» ва Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лумот турки» асарлари ҳам шу даврда битилди. Н. ХАЙИТҚУЛОВ.

БУВИКОНИМ БАҒРИДА: Тошкентлик Зеби буян Эшонқўжа ва аср тенгдоши. Унинг тўрт фарзанди, 25 невага, 25 эва раси бор. В. МОЛГАЧЕВ сурати.

Ўтмиш садоси АЖОЙИБ СЎЗЛАР ЛУҒАТИ

Туркий халқлар тарихида гарчи кўп луғатлар тузилган бўлса-да, лекин улардан бевосита ўзбек тили билан боғлиқ биринчи қомус Хусайн Вайроқ буйруғи билан тузилган «Бадойи-ул-луғат» ҳисобланади. Алишер Навоий хотирасини абадийлаштириш мақсадида шонр вафоти (1501 йил) муносабати билан тузилган шубу луғат ҳарфлардан унумли фойдаланиш тилшунос Толи Имомий томонидан 1501—1502 йилларда тузилган. Сулотон Хусайн луғат тузишдан икки мақсадни кўзлаган эди. Виринчидан, Хуросон ва Моворуннаҳрда ўша даврда ўзбек тили мақомини мустаҳкамлаш. Иккинчидан, Алишер Навоий давридаги ўзбекча сўзларнинг ёзилиши ва талаффузи ҳақида келтирилган маълумотлар қолдириш.

нос олимлар учун ажойиб манба ҳисобланади. Мутахассислар томонидан қандай баҳолашнидан қатъи назар биринчи ўзбек алфавити асосида тузилган бу луғат фан оламида ўз ўрнига эга. Луғатнинг асли нуҳаси Эрон кутубхоналарида сақланмоқда. Яқинда шарқшунос Турғун Қодирнинг сайи-ҳаракатлари нағижасида Тухорондаги миллий Малак кутубхонасида «Бадойи-ул-луғат» билан барабар китобат қилинган надрали луғати аниқланди. Бундан бир неча йил олгари Тухорондаги Салтанат кутубхонасида Алишер Навоийнинг 93 кўли билан ёзилган девонини топилган эди. Хуллас Эронда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жуда кўп манбалар сақланмоқда.

Эргаш УМАРОВ, филология фанлари ном. в.д.

Божхонада нима гап? ИМТИЁЗ ВА ҲУШЕРЛИК

СССРда божхона хизматлари бўйича ўзига хос имтиёзлар эълон қилинди. Чунинки, мамлакатимизга келтирилган икки СССРдан олиб кетиш мумкин бўлган турли буюмлар, валюталар ва қимматбаҳо нарзалар бўйича граждандардан олинмайдиган божлар қиммати камайтирилди. 15 августдан бошлаб 292 тил товар бўйича ана шундай имтиёзлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Фақат шахсий компьютерлар, Факс шахсий компьютерлар, овоз синтезаторлари ва электрониклар учун бож олиш қиммати бироз оширилди. Лекин турли газмоллар, тўқима буюмлар, ички ва устки кийими-бошлар, автомобиллар учун эҳтиёт қисилар, магнитофон, видеокассеталар, ҳамда фотомаатериаллар учун божлар олиш бирмунча арзонлашди. Автохаваскорлар учун ҳам қулайликлар бўлди. Чет эл марказидан автомобилларни мамлакатимизга олиб келишда уч марта камроқ бож тўлаш йўлга қўйилса, шу турдаги машиналарни мамлакатимизда сотиб юбориш мuddати икки марта қисқаради. Биз

ман этилган беҳаб тасвирли суратлардан 34 тасини кимсалардан олиб бергани мажбур бўлди. Хошимова Махфрат эса жами 22514 сўмлик заргарлик буюмлари билан қўлга тушди. Аланчи Дмитрий Константинович деган киши ҳам 23839 сўмлик тилла буюмлар олиб ўтмоқчи бўлган экан, бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Биз ҳар қандай шароитда ҳам йўловчиларни рақибатликка, яъни пайтада тушверликни оширишга ҳарқат қилаверамиз. Р. ПИРМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон республика божхонасининг оператив ишлар бўлими бошлиғи.

Ҳосиятли неъматлар ЎН МИНГ НАВЛИ МЕВА

Олма илк замонлардан бери истеъмол бўлган хушхўр неъматлардан бири. Халқ таъбаоти амалиётида олма қадимдан сурункали бод, беланги, товуш бўғилишда, оқоздон-ичка йўлининг янглишиши, юрак-тоқмоқтор хасталикларини, шунингдек камқонлик, дармонсизлик, буйрак, қовуқдаги тош касалликларидан тасвир этилиб келинади. Халқ орасида шундай амал мавжуд: февралда қўйишда, соғуқ урганда, тузаланиш қийин бўлган эрларда сархил олма бўлакча ажратилиб, ёхуд унинг бутқасини азиятланган жойга босилади. Агар покчида холде киргичдан ўтказилиб мой билан обдон аралаштирилган холде лаб арилганда, эмизувчи она кўкрак дубулгаси бичилганда, қўл териси шиканланганда қўйилса, икжойиб нажожа беради. Айрим маълумотларга қараганда, уйку ондан бир неча олма еб этиладиган бўлса, одам кобусдан холи бўлиб, босинқирш айқолади, уйку тинимли бўлиб, иккинчи латиқлошишга ердан беради. Олма бир қатор жомазузор микрообларга қирон келтиради, қон ҳаракатини маромага солади, миғ хоринлигини кетказди, паршон хотирлиққа чеқ кўяди. Шунингдек, ичбуру ва бошқа икки шиллиқ пардасининг янглиганиши билан боғлиқ бўлган касалликларда пар ҳазоб олчил ҳисобланади. Олимларимиздан Х. Ҳолматов ва И. Ҳарламовларнинг келтирган маълумотларига қараганда, олма инсон организмиде мавжуд бўлувчи даҳмаза моддаларини, жулудан исвул кислотасини чиқиб кетишига имконият яратеди, яъни киши организмиде ортиқча тузлар йиғилмайди. Таажжубланили нарса шуки, агар киши олма истеъмол қилиб турадиган бўлса, унинг аъзоларида юқори нуруннинг асорати бўлмайди. Олманинг нақадар шифобахш хусусиятига эга эканлиги, унинг таркибиде мавжуд бўлган фойдалани моддалар кўплиги билан тушунирилади. В. И. Вехов ва бошқа олимларнинг берган маълумотларига қараганда, олманинг дастлабки маданий навлари бунёд этилганда қарий 5 минг йиллар бўлиб улар асосан Кавказ ва Урта Осиёда этиштирилган. Ҳозирда жаҳон қўлида энг кўп экиладиган мева дарахлари орасида олма биринчи ўринда туриб, у 4 миллион гектар майдонни ишғол этиб, улардан йилга тахминан 20 миллион тонна ҳосил йиғиштирилади. Олманинг саноат сиз, турфа навлари (маълумотларде қайд этилишича, 10 минг на автрофиде) мавжуд бўлиб ҳар бири аввонранг қирмиш, пушти, тарғил, нуқрадориғи, қолларса, жозибаси билан ажралаб туради. М. НАБИЕВ, дормушоос.

САЛОМАТЛИКЧИ?

Н. А. Семашко номидagi саломатликчи қайта тиклаш ва физיותרпия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қараганда, кундуз ҳавода килорол камлашмидан нафас олиш қийинлашадиган, юрак сурункали ўпка ва бўғини ҳасталиқларига чалинган беморларнинг қайтариб ёмонлашди. Беморларда дармонсизлик пайда бўлади, юрак нотекис урадди, бундай пайтада доволлаш ишларини амалга ошириш мақсадида шифокорларнинг масъулияти билан нафас олиш мақсатларини бажариш лозим.



Сиз суратда кўриб турган кўш барқоқиб бу кишилар Африкада, Мозамбикнинг Вадо водийсида истиқомат қилишади. Оёқ бармоғидеги бундай «жумбоқ» олимларни ҳамон қизқирмоқда. Улар оламда учрайдиган янги кишилардир. Озим-оқат омонбонда. Тапонлар... Кемирмиш ҳақида сўхбат. А. ҲАКИМОВ расми.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ЙИРИК ҲИСОБ

Биринчи лига юлдегитилариининг набағидеги тур учрашувида энг йирик ҳисоб Тошкентда қайд этилди. Пахтакорлар «Карпати» армиячиларини қабул қилиб (7:2), муваффақият қозонишди. Элементар таълоба тўп киритганларни кўрсатиш учун жой етмиди. Мустафо Вилонин тўрт марта дарвозани ишғол этди. Г. Денисов, М. Кабаев ва А. Абдураимовлар биттадан тўп киритишди. Армиячи Гамалин икки мингтага тўп тупди. Пахтакор 33 очко билан тўртинчи бўлиб турибди. ЦСКА 43 очко билан пешада. «Қайрат» ва «Турпа» ҳисобида 38 тадан очко бор.

Table with 2 columns: PAKTAKOR TASHKENT and SKA KARPATY. Rows show player names and scores.

ТАРТИБСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Андижон ва Наманганда ўтказилган учрашувлар кутимланганда юз берган тартибсизликлар тўғрисида хабарлар кўпайди. Наманганда тартибсизликлардан икки киши қасалонга ёғизмига тўри келди. Ашадий безорилардан етти нафари қўлга олинди. Халқаро спортдаги тартибга мувофиқ ана шундай воқеа содир бўлган стадионда тадбирлар ўтказишнинг ман этиш билан жазо чоралари қўрилган бундай ҳуқуқ оқибатлар бўлмасмики. Мухаррир У. УСМОНОВ.